

ШАРТНОМА № 1
Овқатлантириш (Аутсорсинг) ни ташкил этиш бўйича
хизмат кўрсатиш тартиби учун

Навоий шаҳри

“10” Январ 2022 йил

Бизлар ушбу шартномани тузиб имзо чекувчилар, Устав асосида иш юритувчи “**AZIZBEK ELBEK KELAJAGI**”мчж рахбари **А.Насуллаев** (кейинги матнларда “Аутсорсер”) бир томондан, устав асосида иш юритадиган “Навоий шаҳар математика физика ва инглиз тилига фанига ихтисослаштирилган мактаб интернати” директори **Н.Яхёев** (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) иккинчи томондан, Навоий вилоят ҳокимининг 2020 йил 22 январдаги 06-01/25-сонги йигилиш баёни асосида мазкур шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу хизмат кўрсатиш тартибидаги шартноманинг предмети буюртмачининг маблағлари ҳисобидан кундалик (якшанбадан ташқари) тўрт маҳалли иссиқ овқатни Аутсорсер томонидан ташкил этишдан иборатdir.

Ҳар бир шахс учун ҳисоб миқдори таркибидан болалар сони Навоий шаҳар математика физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилшаган мактаб интернатига талабномасига асосан, норматив актлар ва санитария меъёрлари талабларига риоя қилган ҳолда таомномага мувофиқ олиб борилади.

Шартнома суммаси шартнома тузилган вақтидан бошлаб 60 000 000 сўм (Олтмиш миллион) сўм шундан КҚС 7 826 086 сўм 96 тийин ташкил этади.

1.2. Битим тузилганга қадар талабномага қўшилмаган буюртмачининг қўшимча шартлари асосида Аутсорсер томонидан тўрт маҳаллик овқатланиши ташкил қилишга рұхсат берилади.

II. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

2.1 Ушбу хизмат кўрсатиш тартибидаги озиқ-овқат маҳсулотларини (Аутсорсинг) ташкил қилиши шартномасида қўйидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

2.1.1 *Буюртмачи – Навоий шаҳар математика физика ва инглиз тилига фанига ихтисослаштирилган мактаб интернати*

2.1.2 *Муассаса –“ Навоий шаҳар математика физика ва инглиз тилига фанига ихтисослаштирилган мактаб интернати ”*(кейинги ўринларда мактаб интернати).

2.1.3 *Аутсорсер - “AZIZBEK ELBEK KELAJAGI”мчж*

2.1.4 *Шартнома – (шаҳар) мактаб ёшидаги боларнинг катнаши фактлари асосида тўрт маҳаллик иссиқ овқатги ташкил қилиши бўйича ва давлат ҳусусий шерикчилик аутсорсинг хамкорлигига хизмат кўрсатиш тартибидаги шартнома.*

2.1.5 *Масъул мансабдор шахс – “Навоий шаҳар математика физика ва инглиз тилига фанига ихтисослаштирилган мактаб интернати. Навоий вилояти ҳокимининг буйруғи билан тасдиқланган ,озиқ-овқат аутсорсинг ташкил қилинган лойиҳа раҳбари(ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахс.*

2.1.6 *Тўловчи – озиқ-овқат аутсорсинги ташкил қилинган Навоий шаҳар математика физика ва инглиз тилига фанига ихтисослаштирилган мактаб интернати Белгиланган нарх – бозорнинг ўртача реал баҳосида танавул қилинадиган бирор озиқ овқат маҳсулотининг тегишли контингенти учун тасдиқланган, озиқ-овқат нормалари асосида белгиланган, шартнома тузилган кундан аутсорсернинг барча харажатларини (соликлар, ходимларнинг ойлик маоши, транспорт хизматлари, шунингдек, таъмир хизматлари ҳамда ускуналарнинг эксплуатация қилиш ва ҳ.к.лар. коммунал тўловлардан ташқари) ўз ичига олиб, устами нархи 20 фоиз бўлган (Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан кўрсатилган нарх-наволардан юқори бўлмаган) миқдор.*

2.1.7 *Хизматларнинг фактик қиймати – ҳисоб фактурада ва бажарилган ишлар далолатномасида ўз аксини топган, расмий тасдиқланган истеъмол хизматлари, хажми бир*

ШАРТНОМА № 1
Овқатлантириш (Аутсорсинг) ни ташкил этиш бўйича
хизмат кўрсатиш тартиби учун

Навоий шахар

“10” Январ 2022 йил

Бизлар ушбу шартномани тузиб имзо чекувчилар, Устав асосида иш юритувчи “AZIZBEK ELBEK KELAJAGI”мчж раҳбари А.Насуллаев (кейинги матнларда “Аутсорсер”) бир томондан, устав асосида иш юритадиган “Навоий шахар математика физика ва инглиз тилига фанига ихтисослаштирилган мактаб интернати” Н.Яхёев (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) иккинчи томондан, Навоий вилояти ҳокимининг 2020 йил 22 январдаги 06-01/25-сонлий йигилиш баёни асосида мазкур шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу хизмат кўрсатилиши тартибидаги шартномасида тартибидаги мактабни буюртмачининг маблағлари ҳисобидан кундалик (якшанбадан ташқари) тўрт маҳалли иссиқ овқатни Аутсорсер томонидан ташкил этишдан иборатди.

Хар бир шахс учун ҳисоб микдори таркибидан болалар сони Навоий шахар математика физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилшаган мактаб интернатига талабномасига асосан, норматив актлар ва санитария меъёрлари талабларига риоя қилган ҳолда таомномага мувофиқ олиб борилади.

Шартнома суммаси шартнома тузилган вақтидан бошлаб 60 000 000 сўм (Олтмиш миллион) сўм шундан ҚҚС 7 826 086 сўм 96 тийин ташкил этади.

1.2. Битим тузилганга қадар талабномага қўшилмаган буюртмачининг қўшимча шартлари асосида Аутсорсер томонидан тўрт маҳаллик овқатланиши ташкил қилишга рұксат берилади.

II. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

2.1. Ушбу хизмат кўрсатилиши тартибидаги озиқ-овқат маҳсулотларини (Аутсорсинг) ташкил қилиши шартномасида қуийидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

2.1.1 *Буюртмачи – Навоий шахар математика физика ва инглиз тилига фанига ихтисослаштирилган мактаб интернати*

2.1.2 *Муассаса – “Навоий шахар математика физика ва инглиз тилига фанига ихтисослаштирилган мактаб интернати”* (кейинги ўринларда мактаб интернати).

2.1.3 *Аутсорсер - “AZIZBEK ELBEK KELAJAGI”мчж*

2.1.4 *Шартнома – (шахар) мактаб ёшидаги боларнинг катнаши фактлари асосида тўрт маҳаллик иссиқ овқатги ташкил қилиши бўйича ва давлат ҳусусий шерикчилик аутсорсинг хамкорлигига хизмат кўрсатилиши тартибидаги шартнома.*

2.1.5 *Масъул мансабдор шахс – “Навоий шахар математика физика ва инглиз тилига фанига ихтисослаштирилган мактаб интернати”* Навоий вилояти ҳокимининг буйруғи билан тасдиқланган, озиқ-овқат аутсорсинг ташкил қилинган лойиҳа раҳбари(ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахс).

2.1.6 *Тўловчи – озиқ-овқат аутсорсинги ташкил қилинган Навоий шахар математика физика ва инглиз тилига фанига ихтисослаштирилган мактаб интернати* Белгиланган нарх – бозорнинг ўртача реал баҳосида танавул қилинадиган бирор озиқ овқат маҳсулотининг тегишли контингенти учун тасдиқланган, озиқ-овқат нормалари асосида белгиланган, шартнома тузилган кундан аутсорсернинг барча харажатларини (соликлар, ходимларнинг ойлик маоши, транспорт хизматлари, шунингдек, таъмир хизматлари ҳамда ускуналарнинг эксплуатация қилиш ва ҳ.к.лар. коммунал тўловлардан ташқари) ўз ичига олиб, устами нархи 20 фоиз бўлган (Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан кўрсатилган нарх-наволардан юқори бўлмаган) микдор.

2.1.7 *Хизматларнинг фактик қиймати – ҳисоб фактурада ва бажарилган ишлар далолатномасида ўз аксини топган, расмий тасдиқланган истеъмол хизматлари, хажми бир*

кишилик озиқ-овқат нормалари асосида кундалик таомномадан келиб чиқсан ҳолда (алмаштириш шартини ҳам хисобга олиб) тузилган. Ундаги ҳар бир ишлатилаётган озиқ-овқат турлари бозорнинг ўртacha faktik нархига кўпайтирилади (Навоий шахри ҳокимлиги белгилаган нархлардан юқори бўлмаган миқдорда) 20 фоиз устамани ҳам кўзда тутган ҳолда. Шу билан бирга, бир кишига белгиланган озиқ-овқатнинг тасдиқланган меъёрлар асосида мактаб ёшдаги болаларни озиқ-овқат билан таъминлашда кўйилган талабларга тўлиқ бўйсунган ҳолда фактik нархларидан кўтарилиб кетишга йўл кўйилмайди.

3 ШАРТНОМА ТУЗИШДА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

Навоий вилоят ҳокимининг 2020 йил 22 январдаги 06-01/25- сонли йигилиш баёни қарори ва бошқа жамоат озиқланишини шакллантириш бўйича норматив актлар шартнома тузиши ҳуқуқий асослар саналади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 364-366-моддалари.

4 ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1.1 Аутсорсер шартноманинг ойлик қийматидан 30 % миқдорида олдиндан тўлов учун талабнома буюртмачига тақдим этади.

4.1.2 Буюртмачи, Муассаса ва Аутсорсер ўртасида тузилган шартнома уч томонлама тасдиқланган кундан бошлаб, 10 (ўн) иш куни давомида хизматлар учун олдиндан тўловини амалга оширади.

4.2 Таомнома белгиланган меъёрларга тўлиқ амал қилиш шарти билан ҳар 10 (ўн) кунда буюртмачи ҳамда ДСНЭМ мутахассислари томонидан тузилади, Муассаса Аутсорсер билан келишилган ҳолда тасдиқлади.

4.3 Мактаб-интернат директори ҳар куни овқатланувчиларнинг фактik миқдори кўрсатилган талабномага кўл кўяди ва уни Аутсорсер манзилига юборади.

4.4 Ҳар куни Аутсорсер томонидан маъсул шахслар билан келишилган ҳолда таомномада кўрсатилганларни тайёрлаш учун кетадиган чиқимлар, бир кишилик озиқ-овқат харажатлари устамалари билан бўйруқ асосида шакллантирилади.

4.5 Умумий овқатланувчиларнинг фактik миқдори ва бир кишилик озиқ-овқатнинг фактik харажатлари (устамаларни ҳам хисобга олган ҳолда) маълумотлари асосида Буюртмачининг ва Аутсорсернинг масъул мансабдор шахслари томонидан ҳар 10 (ўн) календар кунида бажарилган ишларнинг далолатномаси тузилади. Шунингдек, Аутсорсер ва Мактаб-интернат директори томонидан имзоланган ва кейинги тўловнинг миқдори кўрсатилган ҳисоб фактуралар расмийлаштирилади.

4.6.1. Ҳисоб-фактуралар, таомноманинг чиқим ҳисботлари билан биргаликда бажарилган ишларнинг далолатномалари илова қилинган ҳолда Буюртмачининг молиявий бўлимига етказилади. Шартноманинг қолган миқдори тўлови ҳисоб-фактуралар ва бажарилган ишларнинг далолатномалари асосида 5 (беш) иш куни ичida белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.6.2. Шартномада кўрсатилган нархдан бажарилган хизматлар нархи камайса, буюртмачи хақиқий бажарилган ишлар учун тўловни амалга оширади. Шу билан бирга, ҳисоб берилаётган чоракда бажарилган ишлар қийматига қўшимча келишувлар асосида аниқлик киритилади. Бу келишувлар ҳар чоракда ҳисоб-фактуралар ва бажарилган ишларнинг далолатномалари асосида тузилади.

V. СИФАТ ВА ТАОМНОМА

5.1. Таомнома мактаб интернати тарбияланувчилари мувофиқ равишда тузилган ва Навоий шахар ДСЭНМ билан келишилган 10 кунлик таомномалар асосида тайёрланади.

5.2. Овқат тайёрлаш сифати ва тайёр маҳсулот санитария қоидаларига, гигиеник меъёрларга (СанПин №0097 тегишли категорияларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш) ва бошқа меъёрий актларга тўлиғича жавоб бериши керак.

5.3. Аутсорсер томонидан ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари тегишли сертификатлар ва уларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатларга эга бўлиши керак. Бунинг назоратини Буюртмачи амалга оширади.

VI. ОВҚАТ ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР

6.1. Тартибга мувофиқ Буюртмачи Аутсорсерга текинга (ноль ставка асосида) мактаб интернати ихтиёридаги бино, ошхона жиҳозлари, мебель, озиқ-овқат учун зарур идиштовоқларни тақдим қилади. Овқат тайёрлаш учун зарур бўлган коммунал хизматлар буюртмачи ҳисобидан амалга оширилади. Аутсорсер хизмат кўрсатишни бошлаган қунда Буюртмачи омборхонасидаги озиқ-овқат маҳсулотлари қолдиги ҳисоб-китоб қилиниб, комиссия далолатномаси асосида Аутсорсерга топширади.

6.2. Буюртмачи томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари учун олдиндан тўлов қилинган (дебитор қарздорлик) Аутсорсерга ҳисоб китоб асосида топширилади.

6.3. Юқорида қайд этилган бинолар ва мол-мулклар ишга ярокли ҳолда ижара шартномаси асосида Аутсорсерга топширилади ҳамда тегишли топшириш қабул қилиш далолатномаси шакллантирилади ва алоҳида шартнома тузилади.

6.4. Аутсорсер ўзининг шахсий маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат нархини кўтармаган ҳолда (20% устамадан ташқари) қуидаги харажатларни амалга оширади:

- соликларни тўлаш, овқат тайёрлаш ва узатишни амалга оширадиган ходимларнинг иш ҳақини тўлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш, уларни ташиш, таъмир ҳолатларини намунали ҳолда саклаш, музлатгич компрессорларини тўлдириш, бино ҳамда мебель-жиҳозларини талаб даражасида саклаш ва бошқалар.

6.5. Аутсорсер зарурат туғилганда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида ўзининг шахсий идиштовоқларини ва бошқа ошхона жиҳозларини ишлатишга ҳақли.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Аутсорсерга шахсий таркибини озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича хизмат кўрсатишдан ташқари, қуидаги мажбуриятлар юклатилади:

- овқат тайёрлашга тегишли ташкилотлар рухсати ҳамда тиббий кўрикдан ўтган ишчи ходимларни жалб қилиш;

- буюртмачи худудида ишчи ходимларини одоб-ахлоқ, ички тартиб қоидаларига риоя қилишини таъминлаш;

- бир ойдан кам бўлмаган вақт мобайнида мазкур шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма равища буюртмачини огохлантириш, бу муддат тугагунга қадар ишларни давом эттириш;

- Таълим муассасасида тарбияланувчиларнинг соғлиқларини ҳимоя қилиш мақсадида ташқаридан озиқ-овқат маҳсулотларини, айниқса уй шароитида тайёрланган қандолатчилик маҳсулотларини, турли консервалар, таркибида бўёқлар, аромизаторлар ва консервантлар бўлган салқин ичимликларни олиб кирмаслик;

- Таълим муассасалари ошхоналарида овқат тайёрлашда масаллиқларнинг сифати ва тўлиқ ҳажмда қозонга солиниши, тайёр овқат сифатини назорат қилиб бориш учун буюртмачи ва юқори ташкилотлар томонидан ҳар ойда 2 марта тўсатдан мониторинг олиб борилишига ҳамда тузилган ишчи гуруҳ ва ДСЭНМ ходимларини текширув ишларини олиб боришига шароит яратиб бериш;

- Давлат молиявий назорати ва ваколатли орган ходимларининг талаблари билан озиқ-овқатга қўйилган нарх-наволарни ҳамда мазкур шартнома бўйича кўрсатилган нарсаларга кетган харажатларни ўрганишга рухсат бериш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ва сифатини кафолатланганлигига;

- Соғлом овқатланиш кўнікмаларини шакллантирилишига алоҳида эътибор қаратиш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлашда ҳамда озиқ-овқат хом-ашёсини сақлашда, ташишда санитария қоидалари ва гигиена нормаларига қатъий риоя этиш;

- Ўқувчилар санитария қоидалари ва гигиена нормаларига мос ҳолда ҳар бирини алоҳида овқатланиш идишлари билан босқичма-босқич таъминлаш.

7.2. Буюртмачи ўқувчи болаларни озиқ-овқат билан таъминлаш хизматлари учун қилинадиган тўловлар билан бирга яна қуидагиларга мажбур:

- кунлик соат 9⁰⁰ га қадар мактаб интернати тарбияланувчиларни сони тўғрисидаги маълумотни Муассаса томонидан Аутсорсерга маълум қилиниши устидан назоратни олиб бориш;

-овқат тайёрлаш жараёнида санитария-эпидемиологик шароитларни ҳамда ишлатилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати устидан тизимли назорат чораларини кўриш;

-озиқ-овқатга қўйилган нарх-наволарни ҳамда мазкур шартнома бўйича кўрсатилган нарсаларга кетган харажатларни ўз вактида ўрганиш чораларини олиб бориш;

- талабгор (тадбиркор)лар томонидан тарбияланувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда уларнинг рационал овқатлантирилишига алоҳида эътибор қаратиш;

7.3. Мазкур шартнома шартларини бажарилмаслик ёки уларга риоя қилмаслик ҳолатларида Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда Фуқаролик Кодекси ва бошқа амалдаги қонун хужжатлари талаблари асосида томонлар масъулиятни ўз зиммаларига оладилар.

7.3.1. Аутсорсер қонунчилик тартиби асосида ушбу шартнома шартларига риоя қилишнинг бутун масъулиятини ўз зиммасига олади ва тайёрланаётган овқатнинг сифатини таъминлашга жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилган.

7.3.2. Буюртмачи овқат тайёрлаш жараёнида санитария-эпидемиологик шароитларни ҳамда ишлатилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати устидан тизимли назорат чораларини кўрмаганлиги ҳолатларида катта масъулиятни бўйнига олади.

7.4. Аутсорсер томонидан мазкур шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда буюртмачи ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш хуқуқига эга.

7.5 Мазкур шартнома бажарилиши жараёнида юзага келган барча низоли ҳолатлар келишувлар йўли билан ҳал қилинади. Келишувлар йўли билан ҳал қилинмаган ҳолатларда тарафлар иқтисодий судга мурожаат қилишларига ҳақли.

VIII. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур шартнома ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий хисобланади.

8.2. Ҳеч қайси томон ўз ваколатларини ва ҳуқуқларини бу шартнома бўйича иккинчи томонни рухсатисиз учинчи томонга беришга ҳаққи йўқ.

8.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Аутсорсинг” тизими бўйича доимий тартиб ишлаб чиқилгунга қадар Вақтинчалик тартиб асосида ишлар амалга оширилади.

IX. ФОРС-МАЖОР

9.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирилаши, сел келиши каби табиий оғатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

X. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

10.1. Мазкур шартнома “Буюртмачи”, Муассаса ҳамда “Аутсорсер” томонидан тасдиқланиб Навоий шахри бўйича ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг (ғазначилик бошқармасидан юридик рўйхатдан ўтмайдиган ҳисоб ракамлар бўйича шартномалар бундан мустасно) кучга киради ва **2022 йил “31” декабр**гача амал қиласди.

10.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

10.3. “Аутсорсинг” тизими Навоий шахрида тажриба тариқасида амалга оширилаётганлиги сабабли, тизимдаги синов муваффақиятсиз деб топилган ҳолатда ушбу кундан эътиборан мазкур шартнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Аутсорсер»
“AZIZBEK ELBEK”

KELAJAGI”МЧЖ

Манзил: Бухоро вил Гиждувон тум
Х.р:20208000300523177002
Узсаноат курилишбанк АТБ
МФО:00207 ИИН:303528462
Тел:90-979-16-99



Рахбар

А.Насуллаев

«Буюртмачи»

Навоий МФИИ мактаб интернати

Навоий ш Навоий 51-уй
х.р: 100021860124017092300075006
МБТШБХККМ
МФО: 00014 ИИН: 306844890
Уз.Рес.Молия вазирлиги Газначилиги
Х.р23402000300100001010
МФО: 00014 ИИН: 201122919



Рахбар

Д.Яхъяев

Н.Яхъев

Юрист

М.Х.науфов



"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Навоий шахри математика, физика ва инглиз тили фанларига
ихтисослаштирилган мактаб-интернати
директори: Ж.Х.жохарев Н.Яхъев

"10" Январь 2022й

Навоий шахри математика, физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиларини иссик овкат билан яъни аутсорсинг усулида таъминлаш түғрисида

КАЛЬКУЛЯЦИЯ

TP	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Мёйер бўйича Бир суткада 1 (бир) Ўқувчига	Баҳоси 1 (кг,шт,литр)	Бир кунлик сумма	Бир ойлик миқдори (кг,шт,литр)	Жами сумма
1	Қолипли нон (500гр)	шт	0,400	1 500	600	4 000	6 000 000
2	Ун махаллий 1-нав	гр	0,035	4 000	140	100	400 000
3	Нухот	гр		20 000		100	2 000 000
4	Гречка	гр		15 000		100	1 500 000
5	Мош	гр	0,070	12 500		50	625 000
6	Макарон	гр		7 500		100	750 000
7	Шакар	гр	0,070	9 000	630	300	2 700 000
8	Печение	гр	0,025	16 000	400	100	1 600 000
9	Сариёғ 82,5%	гр	0,050	50 000	2 500	200	10 000 000
10	Ўсимлик ёғи	гр	0,020	19 000	380	120	2 280 000
11	Сут (пастеризацияланган)	гр	0,250	7 500	1 875	1 200	9 000 000
12	Қатик қадоқда	гр	0,250	6 000	1 500	1 200	7 200 000
13	Творог	гр	0,050	20 000	1 000	60	1 200 000
14	Сметана	гр	0,015	22 000	330	60	1 320 000
15	Пишлоқ	гр	0,015	22 000	330	50	1 100 000
16	Мол гўшти	гр	0,130	65 000	8 450	500	32 500 000
17	Колбаса	гр	0,025	35 000	875	120	4 200 000
18	Музлатилган бошсиз Балиқ (сазан)	гр	0,100	35 000	3 500	120	4 200 000
19	Тухум 1-категория	шт	1,000	1 100	1 100	3 000	3 300 000
20	Картошка	гр	0,350	5 000	1 750	1 200	6 000 000
21	Тамат	гр		18 000		100	1 800 000
22	Сабзи	гр		2 000		613	1 226 667
23	Карам	гр		4 000		800	3 200 000
24	Лавлаги	гр		3 500		100	350 000
25	Турп	гр		2 000		50	100 000
26	Пиёз	гр		2 000		700	1 400 000
27	Бодиинг	гр		18 000		100	1 800 000
28	Памидор	гр		15 000		100	1 500 000
29	Шолгом	гр		2 000		50	100 000
30	Олма	гр	0,300	10 000	3 000	300	3 000 000
31	Куруқ мева	гр	0,015	20 000	300	85	1 700 000
32	Кук чой	гр	0,0005	33 000	17	5	165 000
33	Какао	гр	0,001	45 000	45	4	180 000
34	Йодланган туз	гр	0,010	1 500	15	60	90 000
	Хаммаси:	x	x	x	33 024	15 747	114 486 667
	20% устама			x		x	22 897 333
	ХАММАСИ:			x		x	137 384 000
	Шундан бюджет хисобидан		x	x		x	60 000 000
	Шундан ота-оналар тўлови хисобидан		x	x		x	77 384 000

ММИБДҮ:

"Азизбек Элбек Келажаги" МЧЖ рахбари:



Мирзакулов
А.Насулаев

М.Мирзакулов

А.Насулаев